

Кейинги ўринларда “*Буюртмачи*” деб юритиладиган Андижон вилояти автомобиль йўллари ҳудудий бош бошқармаси номидан Низоми асосида иш кўрувчи бошқиси Т. Қараев бир томондан, матнда кейинги ўринларда “*Пудратчи*” деб юритиладиган Пахтаобод ТЙФУК Низоми асосида иш кўрувчи директори Ё.Абдурахмонов иккинчи томондан, Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги 670-1-сонли “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонун талабларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 19 майдаги 295-сонли “ЎзР Транспорт Вазирлиги хузуридаги Автомобиль йўллари кўмитаси Низомини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорнинг 3-боб, 13-бўлим, 15-хатбошисига асосан, 2019 йил 9 декабрь кунги ПҚ-4545-сонли қарорнинг 1-иловасига асосан, ҳамда 2017 йил 14 февраль кунги ПҚ-2776-сонли қарорларга асосан, Пахтаобод тумани ҳудудидан ўтувчи умумий фойдаланишдаги давлат аҳамиятдаги автомобиль йўлларини сақлаш бўйича ушбу шартномани туздилар.

I. ШАРТНОМАНИНГ МАҚСАДИ

1.1. “*Пудратчи*” ушбу шартнома шартларига мувофиқ Пахтаобод тумани ҳудудидан ўтувчи давлат аҳамиятдаги автомобил йўлларидан сақлаш ишларини шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланган иловага асосан бажариш мажбуриятини олади. “*Буюртмачи*” эса “*Пудратчи*”га бажариллиши лозим бўлган ишлар учун тегишли меъёрий ҳужжатлар ва ташкилот меъёрлари асосида тузилган лойиҳа-смета ҳужжатларида кўзда тутилган маблағ тўловини амалга ошириш мажбуриятини олади.

II. ШАРТНОМАНИНГ БАҲОСИ ВА ХИСОБ КИТОБ ТАРТИБИ

2.1. Бажариллиши лозим бўлган ишлар қиймати (барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда)га асосан жорий нархларда 2022 йилда 123 120 000 (Бир юз йигирма уч миллион бир юз йигирма минг) сўмни ташкил этади.

2.2. Бажариладиган ишлар қиймати узил кесил ҳисобланиб, фақатгина ишлар ҳажми буюртмачи томонидан ўзгартирилганида ва форс мажор ҳолатлари сабаб бўлганида қайта кўриб чиқилиб, томонлар ўртасида қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

2.3. Шартнома томонлар ўртасида имзоланиб, тегишли Ҳазначилик тизимидан электрон тартибда рўйхатдан ўтиб, жамғарма ҳисоб рақамида маблағ мавжудлигини ҳисобга олиб жорий ойнинг 10 санасига қадар “*Буюртмачи*” томонидан бажариладиган ойлик иш ҳажмининг 40% миқдоридан олдиндан аванс тарикасида “*Пудратчи*”нинг ҳисоб рақамига ўтказиб беради.

2.4. “*Буюртмачи*” томонидан ойлик иш ҳажмлари режасига асосан “*Пудратчи*” томонидан тақдим қилинган бажарилган ишлар қиймати тўғрисидаги маълумотномалар асосида 30 банк иш кунида “*Пудратчи*”нинг ҳисоб рақамига ўтказиб беради.

2.5. “*Буюртмачи*” охириги тўловни “*Пудратчи*” томонидан иш тўлик бажариб топширилиб, қабул қилиш-топшириш далолатномаси ва бажарилган ишлар қийматлари тўғрисидаги маълумотномалар асосида 30 банк иш кунидан кечикмаган муддатда бироқ 2022 йилнинг 31 декабрига қадар ўтказиб беради.

2.6. Бажарилган ишлар учун тўловлар “*Буюртмачи*” томонидан пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

III. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. “*Пудратчи*”нинг мажбуриятлари

Мазкур шартномада илова қилинадиган бажариладиган ишлар маълумотномасига асосан биринчи аванс тўлови тушгандан бошлаб ишларни бажаришга киришади ва ишларни ой якунига қадар бажариб топширади.

Барча ишларни тасдиқланган смета ҳужжатларига мувофиқ, мазкур шартномада назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда ўзининг қучлари билан бажариш ҳамда “*Буюртмачи*”га мазкур шартнома шартларига мувофиқ топширади.

3.2. “*Пудратчи*”нинг ҳуқуқлари

Бажариб берилган иш учун олинадиган аванс ҳақ тўловини ва ишни бажариб топширгандан сўнг тўла ҳажмда ҳисоб китоб қилинишини талаб қилиш;

Бажариб берилган ишни қабул қилиб олиш асосиз равишда рад этилиши натижасида етказилган зарарни қопланишини талаб қилиш;

3.3. “*Буюртмачи*”нинг мажбуриятлари

Тасдиқланган смета бўйича бажарилган ишларни Автомобиль йўллари кўмитасининг 2003 йил 15 октябрдаги 198-сонли буйруғи асосида “Автомобил йўлларини қуриш ва таъмирлаш ишларини қабул қилиш қоидалари” МШН-19-2004 ва бошқа меъёрий ҳужжатлар талаблари даражасида қабул қилиб олиш;

Бажарилган ишлар учун ўз вақтида ҳақ тўлаш;

3.4. “*Буюртмачи*”нинг ҳуқуқлари

“*Пудратчи*”дан бажариладиган сақлаш ишларини амалдаги давлат стандартлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар асосида бажариллишини таъминлашни талаб қилиш;

Камчиликларни бепул бартараф этилиши ёки камчиликларни бошқа шахс томонидан тўғриланиши ҳаражатларини қопланишини талаб қилиш;

“*Пудратчи*”дан шартномада кўрсатилган ишларини лойиҳа ҳужжатлари асосида ишни сифатли бажарган ҳолда қабул қилиб олиш;

“Пудратчи” томонидан ишлатиладиган материаллар ва асбоб ускуналарни иш хужжатларига мувофиқлигини назорат қилиш;

IV. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

4.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятини бажармаса ёки зарур даражада бажармаса мажбуриятни бажармаган томон иккинчи томонга етказилган зарарни тўлайди;

4.2. “Пудратчи” объектни ўз вақтида топширмагандиги учун “Буюртмачи”га ҳар бир кечиктирилган кун учун шартнома мажбуриятлари бажарилмаган қисмининг 0,5 %и миқдорда пеня тўлайди. Тўланадиган пенянинг суммаси бажарилмаган мажбуриятлар баҳосининг 50 %идан ошмаслиги керак.

4.3. Аниқланган камчилик ва нуқсонлар “Пудратчи” томонидан ўз вақтида бартараф қилинмаса “Буюртмачи” тўловларни тўхтатиб, лозим даражада бажарилмаган ишларнинг 20%и миқдорда жарима ундирилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

4.4. Бажарилган ишлар учун “Буюртмачи” томонидан ўз вақтида ҳақ тўланмаса, ҳар бир кечиктирилган кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 %и миқдорда пеня тўлайди. Тўланадиган пеняларнинг умумий суммаси кечиктирилган тўловларнинг 50 %и миқдордан ортмаслиги керак.

4.5. Тўланадиган пеня ва жарималар шартнома мажбуриятларини бузган томон иккинчи томонга ана шу мажбуриятларни бажармаслик оқибатида етказган зарарларни қоплаш жавобгарлигидан озод этилмайди.

4.6. Ушбу шартномада кўзда тутилмаган жавобгарликлар Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги 670-1-сонли “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонунининг 25-32 моддалари асосида белгиланади.

V. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС МАЖОР) ХОЛАТЛАРИ

5.1. Ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни тўлиқ ёки қисман бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва бу ҳолатлар шартнома шартларини бажарилишига бевосита таъсир этса томонларнинг жавобгарликдан озод этилиши Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

VI. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ, БЕКОР ҚИЛИШ ВА НИЗОЛАРНИ ХАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

6.1. Мазкур шартнома белгиланган шаклда томонларнинг ўзаро келишувига мувофиқ ўзгартирилиши ва бекор қилиниши мумкин.

6.2. Мазкур шартнома бўйича юзага келиши мумкин бўлган низо ва келишмовчиликлар ўзаро муҳокама йўллари билан хал этилади. Агарда ўзаро муҳокама йўли билан хал этиш имкони бўлмаса, Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Хўжалик суди орқали хал этилади.

VII. ШАРТНОМАНИ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТЛАРИ

7.1. Шартнома томонлар имзолаб, ҳудудий Ғазначилик тизимидан электрон тартибда рўйхатдан ўтган кундан қўлга кириб, 2022 йил 31 декабргача амал қилади.

7.2. Шартнома 2 нусхада тузилиб, иккала нусхаси ҳам ҳуқуқий жиҳатдан тенг кучли ҳисобланади.

VIII. ТОМОНЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ

“ПУДРАТЧИ”

Пахтаобод ТЙФУК

(иш бажариб берувчининг номи)

Манзили: Пахтаобод тумани Қашқар

МФЙ Меҳрнури кўчаси 3-уй

Тел./факс: 74 711-13-47

х/в 22626000200281387002

Банк номи: “Ипотека банк” Истиқлол бўлими

МФО: 00068 ИНН: 200295300

ОКОНХ: 42110

“БУЮРТМАЧИ”

Андижон вилоят АЙХББ

(бюджетдан маблаг олувчининг номи)

Манзил: Андижон ш. А.Йўлдашев кўча 30

Тел./факс 224-10-07 226-88-90

ш/х* 304510860034017045162118001

СТИР: 200230895 ОКОНХ: 84112

Ғазначилик бўлинмаси номи: Ўз Р Молия

Вазирлиги Ғазначилиги

Ғазна х/в: 23402000300100001010

Банкнинг номи: МБББ ХККМ


МФО: 00014

Ғазначилик бўлинмаси СТИР 201122919



Директор:

Ё.Абдурахмонов



Бошлик:

Т. Қараев

Ҳуқуқшунос маслаҳатчи:

А.Мамажонов

Пахтабод ТИФУК томонидан бажариладиган Саклаш ишларини қиймати ва ишларни бажариш жадвали

№	Йўлнинг номи	Йўлнинг узунлиги, км	жами 2022 йил режаси	2022 йил РЕЖАСИ														
				январь	феврал	март	жами	апрел	май	июн	июл	август	сентябр	жами	октябр	ноябр	декабр	
1	2	3	6	8	9	10	7	8	9	10	7	8	9	10	7	8	9	10
1	Давлат аҳолига яқин йўллар 4Р131 "Қўйтандер к.-Мадааният к." автомобиль йўлининг 11-22 км	11	25557	8519	8519	8519	0				0				0			
2	4Р132 "Тайтуг ш.-Қизил кўприк к.-Пахтабод ш.-Бозоркўрган" автомобиль йўлининг 16-33 км	17	39489	13163	13163	13163	0				0				0			
3	4Р133 "Пахтабод ш.-Мадааният" автомобиль йўлининг 0-21 км	21	48783	16261	16261	16261	0				0				0			
4	4Р135а "Пахтабод шаҳрига кириш" автомобиль йўлининг 4-8 км	4	9291	3097	3097	3097	0				0				0			
	Жами	53	123120	41040	41040	41040	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0

